

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТОЖИБОЕВ АҚМАЛХОН АБДУРАХМАНОВИЧ

**НАЙСИМОН СУЯКЛАРНИНГ ГИГАНТ ҲУЖАЙРАЛИ
ЎСМАЛАРИНИ КАМИНВАЗИВ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тожибоев Акмалхон Абдурахманович Найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларини каминвазив комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш	3
Тожибоев Акмалхон Абдурахманович Совершенствование комплексного малоинвазивного лечения гигантоклеточной опухоли трубчатых костей.....	23
Tojiboev Akmalkhon Abdurakhmanovich Improvement of complex minimally invasive treatment of giant cell tumor of tubular bones.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	46

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ТОЖИБОЕВ АҚМАЛХОН АБДУРАХМАНОВИЧ

**НАЙСИМОН СУЯКЛАРНИНГ ГИГАНТ ҲУЖАЙРАЛИ
ЎСМАЛАРИНИ КАМИНВАЗИВ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib659 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафур-Ахунов Мирза-Али Алиёрович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юсупбеков Аброрбек Ахмаджанович
тиббиёт фанлари доктори

Хўжаназаров Илҳом Эшқулович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги
“Н.Н.Блохин номидаги онкология Миллий тиббий
тадқиқот маркази” ФДБМ**

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; (+99871) 246-15-96; e-mail: info@ronc.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-29-78.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М. Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

А. А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М. Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра суякнинг гигант хужайрали ўсмаси (ГХЎ) асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларда учрайдиган агрессив, рецидивланувчи ва метастазлар берувчи ўсма ҳисобланади ҳамда яхши сифатли ўсмаларнинг 15,1% ва барча бирламчи суяк ўсмаларининг 3,9%-10% ни ташкил этади. Нотўғри даволанганда беморларнинг 50%да ўсманинг рецидивлари кузатилади. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотларга асосан «...гигант хужайралари ўсмага яхши сифатли ўсма сифатида қаралиши қайта кўриб чиқилган ва ҳозирда мазкур ўсма агрессив ўсмалар қаторига киритилган. ГХЎга чалинган деярли 40% беморларда ўсманинг ёмон сифатли белгилари биринчи рецидивдаёқ намоён бўлади ва ҳатто ГХЎнинг ёмон сифатли морфологик белгилари мавжуд бўлмаган 1-2% ҳолатларда ўпка ва бошқа аъзоларга метастаз беради...»¹. Даволашнинг асосий усули сифатида жарроҳлик усули тан олинганлиги қарамасдан, оммавий даво усули йўқ. Турли пластик материаллар (ауто-аллосуяк, мушак)дан фойдаланган ҳолда аъзосақловчи ва остеопластик амалиётларга устунлик берилади. Бирок, биологик келиб чиқишга эга трансплантатларни қўллаш билан ўтказиладиган остеопластик амалиётлар амалиётдан кейинги даврда кўплаб асоратларга олиб келади: «...трансплантатнинг сўрилиб кетиши ёки кўчиши, яранинг инфицирланиши, шунингдек меҳнат қобилиятининг йўқолиши билан узоқ муддатли реабилитация даври шулар жумласидандир. Шу билан бир қаторда ўсманинг ўсиш механизмини турли-туманлиги, ноаниқлиги, анатомик соҳанинг бошқа касалликлари билан дифференциал ташҳислаш мураккаблигига қарамасдан, соҳага оид илмий ишлар нисбатан кам ва рецидивлар учраши юқорилигича қолмоқда...»².

Жаҳонда найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини комплекс каминвазив даволашни такомиллаштиришга эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида криотаъсир ва цементопластикани қўллаш, найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида ўтказиладиган суяк-пластик амалиётларида криотаъсир ва цементопластиканинг самарадорлигини баҳолашдан иборат. Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида аъзосақловчи суяк-пластик амалиётларнинг турли усуллари ҳамда найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмалари билан беморларда жарроҳлик амалиётининг турли усулларида юзага келадиган асоратларни, найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини ташҳислаш ва аъзосақловчи каминвазив усуллар ёрдамида янгича даволаш усуллари ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Блудов А.Б. ва ҳаммуаллифлар. Суякнинг гигант хужайрали ўсмаси // Журнал «Саркомы костей, мягких тканей и опухоли кожи». – 2014. - №1. 16-34 б.

²Алиев М.Д. Суякларнинг бирламчи хавфли ўсмалари // Вестник Московского онкологического общества, №5, 2008. 4-6 б.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, хавfli ўсма касалликларини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори техноологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспасеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуваатлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли онкологик касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ўсма касалликларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866–сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунга қадар найсимон суякларнинг бирламчи ўсмалари ва ўсмасимон шикастларида аъзосақловчи жарроҳлик амалиётини танлашга ягона ёндошув, найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларида аъзосақловчи, айниқса криотаъ-сир ва цементопластика амалиётлари учун беморларни ажратиш мезонлари мавжуд эмас. Суяқ азот қўлланилганда маҳаллий рецидивлар частотаси атиги 2-3%, бироқ кюретажда мазкур кўрсаткич 17-60%ни ташкил этади.

Ван дер Хейджен ва ҳаммуаллифлар (2014) адьювант модда

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

қўлланилмай ўтказилган кюретаждан сўнг рецидивнинг энг юқори даражаси аниқланганлигини кўрсатишган (тахминан 42%). Лекин, фенол ва полиметилметакрилатни маҳаллий қўллаш билан ўтказилган кюретаждан сўнг рецидивлар даражаси 33%га етган, криожарроҳлик ва полиметилметакрилатдан фойдаланиш натижасида мазкур кўрсаткични 0% дан 20% гача камайишига эришиш мумкин. Остеопластик амалиётлар вақтида гигант хужайрали ўсмани олиб ташлангандан сўнг суяк бўшлиғи деворига интраоперацион криотаъсир ўтказиш усулини қўлланилиши суяк резекцияси амалга оширилган беморларга нисбатан ўсманинг рецидивлианишини 17,8% ва метастазлар сонининг 18,2% камайтириш имконини беради.

Ш. М. Мўминовнинг диссертация ишида (2004) суяк трансплантатлари (асосан ауотрансплантатлар)ни қўллаш билан хирургик даволаш, шунингдек йирик бўғимларни эндопротезлаш ва узун найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида амалга оширилган компрессион-дистракцион остеосинтез натижалари қиёсий таҳлил қилинган. Бироқ, муаллиф томонидан криотаъсир ва цементопластикани қўллаш билан ўтказилган пластик амалиёт натижалари ўрганилмаган.

Шундай қилиб, найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида остеопластик амалиётларнинг оптимал ҳажми ва усулини танлаш оператив даволашдаги муҳим қадам ҳисобланади, чунки нотўғри даволаш рецидивлар ва чўлоқликка олиб келади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган Онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режалари АДСС 15.9.3 «Клиник онкологияда реконструктив-тиклаш жарроҳлик амалиётларини янги технологияларини яратиш ва такомиллаштириш» мавзусидаги грант лойиҳаси (2015-2017) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хирургик даволашнинг каминвазив усулларини қўллаш йўли билан найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида криотаъсир ва цементопластикани қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмаларни аниқлаш;

найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида ўтказиладиган суяк-пластик амалиётларида криотаъсир ва цементопластиканинг самарадорлигини баҳолаш;

найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида аъзосакловчи суяк-пластик амалиётларнинг турли усуллари натижаларини қиёсий таҳлил қилиш;

найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмалари билан беморларда жарроҳлик амалиётининг турли усулларида юзага келадиган асоратларни баҳолаш;

найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларини ташҳислаш ва аъзосақловчи каминвазив усуллар ёрдамида даволаш тактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2005-2018 йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва унинг Тошкент шаҳар ва Наманган вилоят филиаллари клиникаларида гигант ҳужайрали ўсма ташҳиси билан стационар шароитида даволанган 247 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб клиник, лаборатория ва инструментал, морфологик, комплекс нур ташҳис текширувлар, математик ҳисоблар натижалари хизмат қилган.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқот ўтказиш жараёнида умумклиник, биокимёвий, умумортопедик, ультратовуш, нурли, морфологик текширувлар ва статистик тадқиқот усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларини оператив даволашда криотаъсир ва цементопластиканинг самарадорлиги аниқланган;

найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларида комплекс текшириш натижасида жарроҳлик амалиётини режалаштириш ва амалга ошириш мезонлари ишлаб чиқилди, текшириш усулларида найсимон суякларнинг кортикал каватининг ҳолати, суяк кўмиги ва юмшоқ тўқиманинг зарарланиши ҳамда даволаш тактикасини белгилашдаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларида аъзосақловчи суяк-пластик амалиётларида суяк аутопластикаси, цементопластика ва криотаъсирдан сўнг ўсманинг рецидивлашувини юзага келиш сабаблари қиёсий баҳоланган;

криотаъсир ва цементопластикани қўллаш билан найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларини оператив даволашнинг каминвазив усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларини хирургик даволаш тактикасига янгича ёндошувлар ишлаб чиқилган;

найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларида хирургик даволаш усулини танлаш, рецидив ва метастазларни олдини олиш бўйича аниқ даволаш тизими ишлаб чиқилган;

суяк цементи ва криотаъсирни қўллаш билан аъзосақловчи даволаш усулини танлаш учун мезонлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник-экспериментал, функционал, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, найсимон суякларнинг гигант

хужайрали ўсмаларини комплекс каминвазив даволашда янги ёндошувларни такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти шундан иборатки, катта миқдордаги клиник материални қиёсий таҳлил қилиш асосида хирургик даволашнинг ҳар хил усуллари натижалари ўрганилган, найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида тиббий цемент ва криотаъсирни қўллаш билан аъзосакловчи даволашни ўтказиш учун кўрсатма ва қарши кўрсатмалар аниқланган. Ўсманинг жойлашиши, рентгенологик манзараси ва гистологик структурасини ҳисобга олган ҳолда цементоластика ва криотаъсирнинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шу билан аниқланадики, ишлаб чиқилган комбинирланган каминвазив хирургик даволаш усуллари (экскохлеация + цементоластика, экскохлеация + криотаъсир + цементоластика) анъанавий даволаш (экскохлеация + аутоластика) усулига нисбатан ўсма рецидивларининг учраш частотасини 2,1 дан 4,2 мартагача камайтириш ва яхши функционал натижаларга эришилишини таъминлаган. Замонавий ташҳисот усуллари (МСКТ, МРТ) оператив амалиётнинг ҳажми ва характерини аниқлаш учун дифференциал ёндошиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини комплекс каминвазив даволашни такомиллаштиришга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларида каминвазив даволаш усуллари қўллаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган ва соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 5 июндаги 8н-р/161-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма цементоластик ва криотаъсирдан фойдаланган ҳолда каминвазив суяк-ластик амалиёт усуллари техникасини такомиллаштириш имконини берган;

найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини комплекс каминвазив даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилояти филиали бўлимлари амалий фаолиятига татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 24 январдаги 8н-з/6-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тадқиқот натижалари асосида найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини хирургик даволаш усуллари такомиллаштириш беморларга ихтисослашган юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш доирасини кенгайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 8 та мақола, улардан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилганлиги, илмий иш натижалари асосида чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг **«Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини ташҳислаш ва даволашнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида гигант хужайрали ўсмаларнинг этиологияси, патогенези, даволаш усуллари ва асоратлари, онкологик ва травматологик амалиётдаги аҳамияти, шунингдек терминологияси ва таснифини ўз ичига олувчи мазкур патология муаммосининг замонавий ҳолати бўйича дунё адабиётлари маълумотларининг батафсил таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг **«Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини комплекс каминвазив даволаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаси ташҳиси билан ЎзР ССВ Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази таянч-ҳаракат аппарати ўсмалари хирургияси бўлимида, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Наманган вилоят филиалларида 2005 йилдан 2018 йилгача бўлган муддат давомида текширилган ва стационар даволанган 247 беморларни текшириш ва даволаш натижалари муҳокама қилинган.

247 бемордан эркаклар - 109 (44,1%), аёллар - 138 (55,9%)ни ташкил қилган. Беморлар ёши 14 дан 70 гача бўлиб, ўртача – 28,6 ёшга тенг. 18 ёшгача бўлган беморлар сони – 17 нафар (6,9%), улардан эркак жинсига

тегишлилари - 9 (52,9%) ва аёл жинслилилар - 8 (47,1%). Беморларнинг асосий сонини 25 ёшгача бўлганлар (124) ташкил этди, улардан аёл жинсига мансуб - 69 (55,6%) ва эркак жинслилар - 55 (44,4%). Аксарият ҳолларда ўсма сон (34,4%) ва катта болдир суягида (34,4%), камдан-кам ҳолларда елка суяги (7,7%), билак суяги (4,5%), шунингдек товон суяги (3,2%) ва кичик болдир (2,4%) суякларида аниқланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 247 бемордан 125 нафари (50,6%) ўзининг касаллигини олинган турли хил шикастлар билан боғлайдилар.

Клиника (онкологик муассаса)га тушган вақтда 247 бемордан 223 (90,3%) таси бирламчи ўсманинг мавжудлигини кўрсатган ва 24 (9,7%) таси ўсманинг рецидивини билан мурожаат қилган.

Ўсма даражаси ва ўсма жараёнининг давомийлиги характери аниқлаштириш учун беморлар зарур ҳолларда МСКТ, МРТ ва скелет суяклари сцинтиграфияси билан клиник-рентгенологик текширувлардан ўтказилди.

Самрапасси таснифига асосан текширилган беморлар қуйидагича ажратилган: Grade I - 35 бемор (14,2%), Grade II - 183 (74,1%) ва Grade III - 29 бемор (11,7%). Беморларни градациялар бўйича тақсимланиши даволаш тактикасини танлаш ва касалликни башоратлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг кузатувларимизда 247 бемордан 163 (66,0%) нафарида суякнинг эпиметафизар бўлими, 33 (13,4%) нафарида метадиафизар бўлими ва 9 (3,6%) нафарида диафиз бўлимининг жароҳатланиши қайд этилди.

Ўсмани МСКТ текшируви 133 (53,8%) беморда амалга оширилди. Ўсма жараёнининг ҳажми ва характери, шунингдек оператив даволаш усулларига мос равишда барча беморлар 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ: эксскохлеация ва аутопластика-53 бемор (назорат гуруҳи); 2-гуруҳ: эксскохлеация ва цементопластика-156 бемор; 3-гуруҳ-эксскохлеация, криотаъсир ва цементопластика-38 бемор.

Диссертациянинг **«Найсимон суякларнинг гигант ҳужайрали ўсмаларини хирургик даволаш натижалари»** деб номланувчи учинчи бобида найсимон суякнинг гигант ҳужайрали ўсмаси билан оғриган 247 беморни хирургик даволаш натижалари таҳлил қилинган. Ўсма жараёнининг босқичи ва тарқалганлигига мос равишда қуйидаги хирургик даволаш усуллари қўлланилди: 1-гуруҳ: эксскохлеация ва аутопластика – 53 бемор (назорат гуруҳи); 2-гуруҳ: эксскохлеация ва цементопластика – 156 бемор; 3-гуруҳ – эксскохлеация, криотаъсир ва цементопластика – 38 бемор. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, беморларнинг ўртача ёши назорат гуруҳида - 25,9, иккинчи гуруҳда – 27,7 ва кейинчалик криотаъсир ва цементопластика билан ўсмани эксскохлеацияси амалга оширилган беморлар гуруҳида – 27,8 ёшни ташкил этди. Клиникага тушган вақтда назорат гуруҳидаги 53 бемордан 48 (90,6%) тасида ўсма бирламчи характерга эга бўлди, 5 нафарида эса (9,4%) рецидив ўсма аниқланди.

Бизнинг кузатувларимизда 247 бемордан 20 (8%) тасида патологик синиш мавжуд бўлган ҳолда аутопластика ва цементопластикадан

фойдаланилган ҳолда аъзосақловчи даволаш усули бажарилди. Бунда, биринчи гуруҳда 53 бемордан 7 (13,2%) нафарида эксскохлеация+аутопластика, 156 тадан 10 (6,4%) нафарида – эксскохлеация+цементопластика ва 38 бемордан 3 (7,8%) нафарида –эксскохлеация+криотаъсир+цементопластика амалга оширилди. Патологик синишларда, аксарият ҳолларда, айниқса оёқ ва қўл панжаларининг майда найсимон суяклариде жойлашган ўсмаларда эксскохлеация ва аутопластика ҳажмида оператив даво ўтказилди.


Биз ўсманинг ўлчамига мос равишда ўтказиладиган оператив амалиёт ҳажмини таҳлил қилдик. Мазкур кўрсаткич даволаш тактикасини аниқлашда катта аҳамиятга эга, чунки катта ҳажмли ўсмаларда ва кортикал қават бузилганда, патологик синиш мавжуд бўлган ҳолда биз таклиф этаётган оператив даволаш усулининг самарадорлиги шубҳали. Шунинг учун, биз ишимизда мазкур кўрсаткичга катта эътибор қаратдик.

Оператив амалиёт ҳажми ва ўсма ўлчами таҳлил қилинганда эксскохлеация ва аутопластика ўсманинг ўртача ўлчами – 10 см га тенг бўлган ҳолда амалга оширилганлиги аниқланди. 53 бемордан 38 (71,7%) нафарида ўсманинг ўлчами 5 см гача бўлди. Шунинг қайд этиш лозимки, деярли барча беморларда оёқ ва қўл панжаларининг майда найсимон суякларини, кам ҳолларда билек ва тирсак суякларининг дистал бўлимини жароҳатланиши қайд этилди. Бунда бўшлиқ ҳажми - 1³см дан 2³ см гача бўлди. Ўсма сон суягининг проксимал ва дистал бўлими, шунингдек катта болдир суягининг проксимал бўлимида жойлашганда ўсманинг ўлчами ўртача 10 см ни ташкил этди. Ўлчами 5 см³ дан юқори бўлган катта нуксонлар мавжуд ҳолларда ёнбош суяги қаноти ва кичик болдир суяги фрагментидан олинган трансплантатдан фойдаланилди.

247 бемордан 126 (51,0%) нафарида жароҳатнинг узунлиги бўйича ўлчами 5 см гача бўлди, 96 (38,8%) беморда 6-10 см ва 25 (10,1%) беморда 10 см дан катта бўлди.

КТ текширувида гуруҳларга мос равишда ўсманинг кенглиги ўртача 4,3 см; 4,1 см ва 5,0 см ни ташкил этди, шунингдек ўсманинг узунлиги - 5,2 см; 6,6 см ва 4,9 см га тенг бўлди. Бунда шундай қизиқарли факт аниқланди, яъни КТда ўсманинг томир-нерв тутамига ўсиб кириши II гуруҳдаги атиги 1 беморда аниқланди, УТТда эса мос равишда I ва II гуруҳ беморларининг 17 нафардан 2 таси ва 18 нафаридан 6 тасида УТТда маҳаллий томирларнинг жароҳатланиши қайд этилди. Ушбу маълумотлар УТТга нисбатан КТ текширувида ўсманинг жойлашиши, жароҳатнинг ўлчами, кортикал қават, суяк кўмиги, атрофдаги тўқиманинг жароҳати ва бўғим юзаси ҳолатини аниқ тавсифлаш мумкинлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Барча беморларда ўсманинг гистологик текшируви ўтказилди. 247 бемордан 228 (92,3%) нафарида – яхши сифатли, 16 (6,5%) нафарида бирламчи-ёмон сифатли ва 3 (1,2%) нафарида иккиламчи-ёмон сифатли ГХЎ аниқланди.



1-расм. Ўнг тизза бўғими МСКТси: Бемор К.Д. 23 ёш, Диагноз – ўнг катта болдир суяги проксимал қисми ГХЎ.

Ўсманинг гистологик структурасига мос равишда оператив амалиёт характери таҳлил қилинганда экскохлеация ва аутопластика амалиёти ўтказилган беморлар гуруҳида 53 нафар бемордан 48 (90,6%) нафариди ГХЎнинг яхши сифатли шакли, 4 (7,5%) тасида бирламчи ёмон сифатли ГХЎ ва 1 (1,9%) нафариди ўсманинг иккиламчи ёмон сифатли шакли қайд этилди.

Иккинчи гуруҳда 156 нафар бемордан 147 (94,2%) тасида яхши сифатли ГХЎ, 7(4,5%) тасида бирламчи ёмон сифатли ГХЎ ва 2 (1,3%) тасида иккиламчи ёмон сифатли ГХЎ аниқланди.

Учинчи гуруҳда 38 бемордан 35 (92,1%) тасида ўсманинг яхши сифатли тури, 3 (7,9%) нафариди бирламчи ёмон сифатли ГХЎ аниқланди ва ҳеч қайси бир беморда ўсманинг иккиламчи ёмон сифатли тури қайд этилмади.

Ўсманинг ёмон сифатли тури кўпинча биринчи даволаш гуруҳи (экскохлеация+аутопластика) ва учинчи даволаш гуруҳи (экскохлеация+криотаъсир+цементопластика) беморларида кузатилди. Буни алоҳида даволаш гуруҳларида ўсманинг рецидивлари ва метастазлари частотасини ўрганишда эътиборга олиш лозим.

Келтирилган маълумотлар ГХЎнинг бирламчи ёмон сифатли тури иккиламчи ёмон сифатли турига нисбатан кўп учрашидан далолат беради.

Кампаначчи ва ҳаммуаллифларнинг таснифи бўйича суякнинг кортикал қавати ҳолатига мос равишда ўтказилган оператив амалиёт ҳажми таҳлил қилинганда, суяк жароҳатининг биринчи даражаси аксарият ҳолларда III гуруҳ беморлари (экскохлеация, криотаъсир ва цементопластика)да қайд этилди, мазкур кўрсаткич экскохлеация ва аутопластика ўтказилган I гуруҳда -13,2%, экскохлеация билан цементопластика амалга оширилган II гуруҳда - 10,2%ни ташкил этди.

Мазкур кўрсаткичлар таққосланганда статистик ишончли фарқлар аниқланди ($P \leq 0,05$).

Кортикал қаватнинг иккинчи даражали жароҳатланишида мазкур кўрсаткич 1-гуруҳда - 66,0%, 2-гуруҳда - 80,1% ва 3-гуруҳда - 60,5%ни

ташқил этди. Кўрсаткичлардаги аҳамиятли фарқ биринчи ва учинчи гуруҳлар таққосланганда аниқланди ($P < 0,05$).

Кортикал қаватнинг учинчи даражали жароҳатида беморларнинг 1-гуруҳида мазкур кўрсаткич - 20,8%, 2-гуруҳида эса - 9,6% ($P < 0,05$) ва 3-гуруҳида - 7,9%га тенг бўлди.

Бизнинг кузатувларимизда амалиёт ўтказилган оёқ ёки қўлнинг функционал ҳолатини баҳолаш учун Европа скелет-мушак тизими ассоциацияси шкаласидан фойдаландик (1986, EMSOS). Бунда 247 бемордан 221 (89,5%) нафарида аъло ва яхши функционал натижалар олинди.

Ўтказилган оператив амалиётдан сўнг оёқнинг функционал ҳолати таҳлил қилинганда экскохлеация ва аутопластика амалга оширилган 53 бемордан 22 (41,5%) нафарида оёқнинг барча функцияларини тўлиқ тикланиши кўринишида аъло функционал натижаларга эришилди. 15 (28,3%) нафар беморда – яхши ва 15 (28,3%) нафар беморда қониқарли функционал натижалар олинди. Атиги 1 (1,9%)та беморда қониқарсиз функционал натижа кузатилди. Мазкур гуруҳида амалиётдан кейинги функционал натижалар криотаъсир ва цементопластика ўтказилган беморлар гуруҳига нисбатан ёмонроқ эканлиги қайд этилди.

Экскохлеация ва цементопластика бажарилган беморлар гуруҳида 156 нафар бемордан 116 (74,4%) тасида аъло, 32 (20,5%) нафарида яхши ва 7 (4,5%) нафарида қониқарли функционал натижалар олинди. Фақатгина 1 (0,6%) ҳолатда натижа қониқарсиз бўлди.

Экскохлеация, криотаъсир ва цементопластика амалиёти ўтказилган 3-гуруҳида 38 нафар бемордан 31 (81,6%) тасида оёқнинг функцияси ва таянч қобилиятини тикланиши билан - аъло, 5 (13,1%) нафар беморда - яхши ва 2 (5,3%) нафар беморда – қониқарли функционал натижаларга эришилди. Қониқарсиз функционал натижалар қайд этилмади.

Бу яна бир бор найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини хирургик даволашда криотаъсир ва тиббий суяк цементини қўлланилиши ушбу усулларсиз даволанган беморларга нисбатан аъло ва яхши функционал натижаларга кўпроқ эришиш имконини беради.

Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини турли хирургик даволашдан сўнг юзага келадиган асоратлар ўсма жараёнининг характери ва тарқалганлиги, мазкур жараёнга атроф тўқиманинг жалб этилганлиги, амалиёт ҳажми ва амалиётдан кейинги даврни юритилишига боғлиқ. Бизнинг кузатувларимизда уччала даволаш гуруҳларида юзага келиши мумкин бўлган барча асоратлар таҳлил қилинди. Барча асоратлар характери жиҳатдан йирингли-яллиғланиш ва ортопедик турларга бўлинди.

Экскохлеация ва аутопластика амалиёти амалга оширилган беморлар гуруҳида амалиётдан сўнг 53 бемордан 17 (32%) нафарида турли асоратлар аниқланди. Бунда 4 (7,5%) беморларни рентгенологик текширувида суяк остеомиелити, 3 нафар беморда (5,7%) амалиётдан кейинги чандиқ соҳасида оқма, 4 (7,5%) нафар беморда суякнинг синиши кузатилди. Келтирилган

маълумотлардан кўришиб турибдики, мазкур беморлар гуруҳида ортопедик асоратларга нисбатан йирингли-яллиғланиш жараёнлари устунлик қилди.

Иккинчи даволаш гуруҳида экскохлеация ва цементопластика амалиётидан сўнг 156 бемордан 11(7%) нафарида қуйидаги асоратлар: 3 беморда (1,9%) – тери некрози, 3 беморда (1,9%) - амалиётдан кейинги чандиқ соҳасида оқма ва 5 (3,2%) беморда – ўсма проекциясида суякнинг синиши қайд этилди.

Экскохлеация, криотаъсир ва цементопластика амалиёти ўтказилган 3-гуруҳда 38 бемордан 2 нафари (5,2%)да асоратлар: 1 бемор (2,6%)да - остеомиелит ва 1 беморда (2,6%) суяк синиши кузатилди.

Амалиётдан кейинги асоратлар таҳлил қилинганда экскохлеация ва цементопластика (7%) ҳамда экскохлеация, криотаъсир ва цементопластика (5,2%) амалиёти ўтказилган беморларга нисбатан экскохлеация ва аутопластика амалиёти амалга оширилган беморларда (32%) амалиётдан кейинги асоратлар частотаси юқори бўлди.

Амалиётдан кейинги муҳим асоратлардан бири ўсма жараёни проекциясида суякнинг синиши кўринишидаги асоратлардир. Юқорида қайд этилган асоратлардан кўришиб турганидек, экскохлеация ва аутопластика амалиётидан сўнг асоратларнинг мазкур тури 7,5%, экскохлеация ва цементопластика амалиётидан сўнг 3,2% ҳамда экскохлеация, криотаъсир ва цементопластикадан сўнг 2,6%ни ташкил этди.

Бу ҳолат биз томондан ишлаб чиқилган даволаш усуллари нафақат йирингли-яллиғланиш, балки ортопедик асоратларни ҳам камайтириш имконини беришини кўрсатади.

Экскохлеация ва аутопластика, экскохлеация ва цементопластика ҳамда экскохлеация, криотаъсир ва цементопластика ўтказилган беморлар гуруҳларида патологик синиш ҳолатлари кузатилганда беморларга кейинчалик реконструктив-пластик амалиётларни амалга ошириш билан суякнинг сегментар резекцияси амалиёти ўтказилди.



2-расм. Бемор, О.Н., 32 ёш, Диагноз: Ўнг елка суягининг проксимал бўлими ГХЎ, экскохлеация ва цементопластика амалиётидан кейинги ҳолат (2014 й).

Патологик синиш билан рецидивланиш (2018 й).

Диссертациянинг «Найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини хирургик даволаш усулларида сўнг рецидив ва метастазларнинг учраши тез-тезлиги» деб номланувчи тўртинчи бобида найсимон суякларнинг гигант хужайрали ўсмаларини клиник, рентгенологик ва морфологик белгиларини ҳисобга олган ҳолда рецидивлар частотаси таҳлили ёритилган. Биз ўрганаётган барча беморлар 6 ойдан 13 йилгача кузатувимиз остида бўлди. Бунда ўсманинг юқорида қайд этилган белгилари ҳамда амалга оширилган оператив амалиёт ҳажмини ҳисобга олган ҳолда статистик таҳлил ўтказилди. Таҳлил натижаларининг кўрсатишича, эксскохлеация ва аутопластика амалиётидан сўнг 53 бемордан 11 (20,7%) тасида ўсма рецидиви қайд этилди. 11 бемордан 9 нафарида рецидив бир марта ва 2 нафарида 2 марта кузатилди. Эксскохлеация ва цементопластика ўтказилган беморлар гуруҳида 156 бемордан 15 (9,6%) тасида ўсманинг рецидиви аниқланди, 15 бемордан 2 нафарида ўсманинг қайта рецидиви қайд этилди. Эксскохлеация, криотаъсир ва цементопластика ўтказилган 38 нафар бемордан 2 (5,2%) нафарида ўсма рецидиви кузатилди. Рецидивларни юзага келиш муддатлари 6 ойдан 21 ойгача бўлди. Бунда ўсма рецидиви ўртача биринчи гуруҳ беморларида 7,5 ой, иккинчи гуруҳда - 13,6 ой ва учинчи гуруҳда - 17,6 ойдан сўнг қайд этилди.

Найсимон суякларнинг ГХЎда ўсманинг рецидивланиши частотаси ўрганилганда мазкур кўрсаткичнинг эркак ва аёлларда деярли фарқ қилмаслиги аниқланиб, мос равишда 12 (11%) ва 16 (11,6%)га тенг бўлди. Шунини қайд этиш лозимки, эксскохлеация ва аутопластика амалиёти амалга оширилган беморлар гуруҳида аёллар ўртасида рецидивларнинг юзага келиши кўпроқ кузатилди - 63,6%, эркакларда мазкур кўрсаткич - 36,4%. Кўрсаткичлар таққосланганда статистик аҳамиятли фарқлар олинди ($P \leq 0,05$). Эксскохлеация ва цементопластика ўтказилган 2-гуруҳда рецидивлар частотаси аёллар орасида бирмунча кўпроқ учради - 53,3%, эркакларда эса - 46,7%. Бироқ, мазкур кўрсаткичлар таққосланганда ишончли фарқлар аниқланмади ($P \geq 0,05$). 3-гуруҳ беморларида эксскохлеация, криотаъсир ва цементопластика амалиётидан сўнг эркак ва аёлларда рецидивларнинг юзага келиш частотасида алоҳида фарқлар кузатилмади, мос равишда - $50,0 \pm 9,45\%$ ва $50,0 \pm 9,45\%$.

ГХЎ мавжуд беморларнинг турли ёш гуруҳларида ўсманинг рецидивлари частотасини ўрганиш шунини кўрсатдики, эксскохлеация ва аутопластика амалиётидан сўнг ўсма рецидиви асосан 16-20 ёшли беморлар гуруҳида - $18,2 \pm 7,29\%$ ҳолатда ва 25 ёшдан катталарда - $81,8 \pm 7,29\%$ ҳолатда аниқланди. Мазкур икки ёш гуруҳлари таққосланганда кўрсаткичлар статистик ишончли фарқланди ($P \leq 0,05$). Мазкур кўрсаткични найсимон суякларнинг ГХЎни даволаш тактикасини аниқлаш ва башоратлашда ҳисобга олиш лозим.

Найсимон суякларнинг ГХЎга чалинган беморларда эксскохлеация ва цементопластика амалиётидан сўнг 25 ёшдан катта беморлар орасида бошқа ёшдаги гуруҳларга нисбатан рецидивлар частотаси анча юқори бўлди -

46,7%, бироқ кўрсаткичлар бошқа ёш гуруҳларига нисбатан статистик ишончли эмас ($P \geq 0,05$). 3-даволаш гуруҳида ёш гуруҳлари бўйича таққосланганда алоҳида фарқлар қайд этилмади.

Экскохлеация ва аутопластика амалга оширилган беморлар гуруҳида ўсма катта болдир ва сон суягида жойлашганда бир хил даражадаги ўсма рецидивни аниқланди, мос равишда – 36,4 ва 36,4%. Ўсма рецидивининг энг паст кўрсаткичи ўсма товоннинг кичик найсимон суякларига жойлашганда қайд этилди - 9,1%. Мазкур икки гуруҳ таққосланганда статистик аҳамиятли фарқлар олинди ($P < 0,05$). Биринчи гуруҳдан фарқли ўларок, экскохлеация ва цементопластика амалиётларидан сўнг рецидивларнинг юқори частотаси ўсманинг катта болдир суягида жойлашишида қайд этилди - 46,7%, тирсак суягида жойлашган ўсма рецидивлари - 13,3% ва билак суягида жойлашган рецидивлар эса - 6,7%ни ташкил этди. Мазкур икки локализациядаги ўсма рецидивларини катта болдир суягининг мазкур кўрсаткичи билан таққослаш натижасида ишончли фарқлар аниқланди ($P \leq 0,05$).

Экскохлеация, криотаъсир ва цементопластика амалга оширилган беморлар гуруҳида ўсманинг жойлашиши ва рецидивлар частотасининг қиёсий таҳлилида статистик ишончли фарқ аниқланмади ($P \geq 0,05$). Такдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўсманинг жойлашиши унинг рецидивлари частотасини ўрганишда катта аҳамиятга эга, айниқса, бу рецидивларнинг юқори частотаси қайд этиладиган катта болдир ва сон суякларига жойлашган ўсмалар учун тааллуқли. Билак ва тирсак суякларига, шунингдек, товоннинг кичик найсимон суякларига ўсма рецидивининг амалиёт турига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келиш эҳтимоли камроқ. Бу ҳолат найсимон суякларнинг ГХЎни даволаш тактикасини аниқлаш ва башоратлашда эътиборга олиниши лозим.

Ўсма рецидивлари частотасининг жароҳатланган сегмент даражасига мос равишда ривожланиши таҳлил қилинганда шу нарса аниқландики, барча даволаш гуруҳларида ўсма рецидивларининг юқори частотаси ўсманинг суякни дистал эпиметафизар бўлимида жойлашувида қайд этилди ва бу мос равишда – 72,7%, 40,0% ва 50,0% ни ташкил этди. Ўсма рецидивининг анча паст кўрсаткичлари ўсманинг найсимон суякларни проксимал эпифизида жойлашувида аниқланди. Ўсманинг суякнинг мазкур икки сегментида жойлашиши таҳлил қилинганда статистик аҳамиятсиз фарқлар аниқланди ($P > 0,05$).

Найсимон суякнинг кортикал қавати ингичкаланиганда экскохлеация ва аутопластика оператив амалиёти бажарилганда ўсма рецидиви 81,8% ҳолатда, экскохлеация ва цементопластика амалиётидан сўнг - 73,3% ҳамда экскохлеация, криотаъсир ва цементопластикадан сўнг 100% ҳолатда қайд этилди.

ГХЎда ўсма рецидивлари частотасининг найсимон суякни синишига мос равишда ривожланишини ўрганиш патологик синиш кузатилган 20 бемордан 3 (15%) нафарида турли оператив амалиётлардан сўнг ўсманинг рецидиви юзага келганлигини кўрсатди. Бунда, ўсма рецидиви биринчи даволаш

гуруҳида - 14,3%, иккинчи даволаш гуруҳида - 20%ни ташкил этди. Учинчи даволаш гуруҳида ўсма рецидивни кузатилмади.

Ўсма рецидивнинг ГХЎнинг гистологик турига мос равишда ривожланишини таҳлил қилиш натижасида биринчи даволаш гуруҳида 53 бемордан 11 (20,7%) тасида ўсма рецидивни ривожланганлиги аниқланди. Бунда, ГХЎнинг яхши сифатли тури 7 беморда (63,6%), бирламчи ёмон сифатли ГХЎ – 4 (36,4%) ҳолатда аниқланди, иккиламчи ёмон сифатли ГХЎда ўсма рецидивни кузатилмади.

Экскохлеация ва цементоластика амалиётидан сўнг 156 бемордан 15 (9,6%) нафарида ўсма рецидивни аниқланди. Бунда 15 бемордан 11 (73,3%) нафарида – яхши сифатли ГХЎ, 3 (20%) беморда ГХЎнинг бирламчи ёмон сифатли тури ва 1(6,7%) беморда иккиламчи ёмон сифатли тури қайд этилди.

Ўсманинг рецидивлашуви частотаси таҳлил қилинганда, 247 бемордан 223 (90,3%) таси онкологик даво муассасаларига бирламчи ўсма билан ва 24 (9,7%) таси рецидив ўсма билан тушганлиги қайд этилди. Рецидивланган ўсма билан 24 нафар бемордан 8 (36,4%) тасида тегишли оператив амалиётлардан сўнг қайта рецидив қайд этилди. Бу яна бир бор рецидивланувчи ўсмаларнинг нохуш кечиши ва салбий оқибатидан далолат беради.

Олинган натижалар таҳлилида 247 бемордан 7 (2,8%) нафарида узок метастазлар бўлганлиги аниқланди. Мазкур метастазлар экскохлеация ва аутоластика ўтказилган биринчи гуруҳдаги 2 (3,8%) та беморда; экскохлеация+цементоластика ўтказилган иккинчи гуруҳдаги 4 (2,6%) беморда ҳамда экскохлеация, криотаъсир ва цементоластикадан сўнг - 1 (2,6%) нафар беморда учради. Энг кўп метастазлар бериладиган аъзолар қуйидагилардир: ўпка – 7 тадан 5 ҳолатда (71,4%), шунингдек, жигар - 2 (28,6%) ҳолатда.

